



Ankara'dan Taşkent'e Gönül Köprüsü

Ali Şîr Nevâî ve Eserleri Sempozyumu

Ankara-Taşkent Bildiriler Kitabı



95.yıl



AK

Ankara'dan Taşkent'e
Gönül Köprüsü

Ali Şîr Nevâî ve Eserleri Sempozyumu

Ankara-Taşkent
Bildiriler Kitabı

Editor: Emek ÜSENMEZ

Ankara'dan Taşkent'e Gönül Köprüsü

Ali Şîr Nevâî ve Eserleri Sempozyumu

Ankara-Taşkent Bildiriler Kitabı



Editör

Emek ÜSENMEZ



ALİ ŞİR NEVÂÎ VE ESERLERİ SEMPOZYUMU

BİLDİRİLER KİTABI

Editör
Doç. Dr. Bahtiyar Aslan



İstanbul, 2021

T.C. KÜLTÜR VE TURİZM BAKANLIĞI
TELİF HAKLARI GENEL MÜDÜRLÜĞÜ
ALİ ŞİR NEVÂÎ PROJESİ
BİLİM VE DANIŞMA KURULU ÜYELERİ

ONUR KURULU

**GÜNGÖR AZİM TUNA
İSMAİL CENGİZ
JABBOR ESHANQUL**

Vali-Bilge Türk Vakfı
Avrasya Federasyonu
Nevâî Devlet Müzesi

AKADEMİK KOORDİNATÖR

**DOÇ. DR. EMEK ÜSENMEZ
emek.usenmez@istanbul.edu.tr**

BİLİM VE DANIŞMA KURULU

**PROF. DR. VAHİT TÜRK
PROF. DR. RAMAZAN KORKMAZ
PROF. DR. KEMAL ERASLAN
PROF. DR. SELAHATTİN TOLKUN
PROF. DR. SHUHRAT S. SIROJIDDINOV
PROF. DR. İBRAHİM HAKKUL
PROF. DR. RANA IBRAGIMOVA
PROF. DR. İLYAS TOPSAKAL
PROF. DR. NAMAZALÍ OMASHEV**

Kültür Üniversitesi
Maltepe Üniversitesi
İstanbul Üniversitesi
Eskişehir Anadolu Üniversitesi
Özbekistan Nevai Üniversitesi Rektörü
Özbekistan İlimler Akademisi
Özbekistan İlimler Akademisi
İstanbul Üniversitesi
Astana Üniversitesi

YÜRÜTME KURULU

**DOÇ. DR. BAHTİYAR ARSLAN
DOÇ. DR. EMEK ÜSENMEZ
EKBER YASSA**

Bandırma Üniversitesi
İstanbul Üniversitesi
Türkistanlılar Sos. Yrd. Der. Bşk.

İÇİNDEKİLER

TAKDİM	13
«МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУГАТАЙН» КЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ ВА АСАР ВАРИАНТЛИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	15
Қосимжон Содиков	
COMPARATIVE ANALYSIS OF MANUSCRIPTS “MUHOKAMATU-L- LUG’ATAYN” AND THE ISSUE OF WORK VARIANCE	17
Sodikov Qosimjon	
АДАБИЁТ – ШАХСИЯТ ВА САНЪАТ КЎЗГУСИ	31
İbrohim Haqqul	
NAVOIY VA QALANDARIYLIK	37
Sayfiddin Rafiddinov	
ALİ ŞİR NEVÂÎ ESERLERİİNDE FÜTÜVVET GÂYESİNİN EDEBÎ YORUMU	43
Prof. Dr. Nurbay CABBAROV	
АЛИШЕР НАВОЙЙ ДЕВОНЛАРИНИНГ АНИҚЛАНГАН ЯНГИ НУСХАЛАРИ (2010–2020 ЙИЛЛАР).....	51
Афтондил Эркинов	
АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА НАВОЙЙ СИЙМОСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ	63
Гулбаҳор Ашуррова	
НАВОЙЙ “ХАМСА”СИДАГИ УЧ ЎЛИМ ҲАҚИДА	73
Узок Жўракулов	

НАВОЙ ИЖОДИНИНГ ЕТУК ТАДҚИҚОТЧИСИ	85
Тозагул Матёкубова	
Севинчой Якубова	
 АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА ДОРО ОБРАЗИ.....	91
Акрамжон ДЕҲҶОНОВ,	
 NAVOIY FARDLARINING QOFIYA TIZIMI.....	101
Hamroyeva Orzigul Jalolovna	
 АЛИШЕР НАВОЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАХОРАТИНИНГ ХАЛАФЛАРИ	
ИЖОДИДАГИ ТАДРИЖИ	107
Дилфуз Авазова	
 ТАРИХИЙ ДРАМАДА АЛИШЕР НАВОЙ СИЙМОСИ.....	115
Вазирахон Аҳмедова	
 “ГУЛИ ВА НАВОЙ” МУСИҚАЛИ ДРАМАСИНИНГ	
АДАБИЙ-БАДИЙ МАНБАЛАРИ.....	121
Вазирахон Аҳмедова	
 ALISHER NAVOIY ASARLARIDA FANTASTIKA JANRI XUSUSIYATLARI	125
Muhamedova Saodat	
Abdullayeva Nurjahon Choriyevna	
 НАВОЙ АСАРЛАРИ ТАБДИЛИ ЖАРАЁНИДА МАТНИЙ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ	135
Манзар Абдулхайров	
 “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДА ОДАМИЙЛИК ВА РАҲБАР	
МАЊНАВИЯТИ МАСАЛАСИ	143
М. Абдуллаева	
 НАВОЙ ИЖОДИДА ЕТАКЧИ МОТИВ.....	147
Ҳакимжонова Раъно	
 NAVOIY AN'ANALARI TABIBIY IJODIDA.....	153
Amonov ShermuhammadNormurotovich	
 NAVOIY TANBEHLARIDA TARBIYA MASALALARI	161
Shoira Isayeva	

НАВОЙ АСАРЛАРИ ТАДЦИЛ ЖАРАЁНИДА МАТНИЙ ТАДЦИҚ УСУЛЛАРИ

Манзар Абдулхайров

Филология Фанлари Доктори

Аннотация

Мақола Алишер Навоий асарлари матнини матний тадциқ усулларига бағишиланган. Үнда матнни «матн таҳрири», «глосс», «интерполяция», «конъектура», «цензура ва автоцензура», «бадиий асар структураси», «бадиий асар семиотикаси» каби масалалар ўрганилган.

Калит сўзлар: матн тарихи, метод, принцип, текст, бадиий асар структураси, текстология, интерполяция, таҳлил, тадциқ, глосс, конъектура, герменевтик, палеографик.

Матншунослиқда матнни замон талаблари даражасида тадциқ этиш муҳим илмий-назарий муаммолардан бири сифатида тан олиниб, «матн тарихи», «вариантлилик», «матн таҳрири», «глосс», «интерполяция», «конъектура», «цензура ва автоцензура», «матнни тадциқ этиш усуллари», «бадиий асар структураси», «бадиий асар семиотикаси», деб номланаётган соҳаларда матн, унинг турли томонлари, матн билан боғлиқ бўлган илмий-назарий масалалар текширилиб, уларга муҳим илмий тадкиқотлар обьекти сифатида қаралмоқда¹.

¹ Расулов А. Концепция зарурати Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. № 49.

Шундай экан, табдил ишлари анъанавий матншуносликнинг турли хил усул ва методлардан кенг фойдаланиши табиий. Бинобарин, жаҳон матншунослигида матн ва унинг турларини ўрганиш усули кейинги қирқ-эллик йил ичидаги шаклланиб тарақкий этди. Бугунги кунга келиб матнни ўрганишининг ўнлаб усуллари, методлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар матн табдилида ҳам муҳим ўрин тутади². Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, халиқаро миқёсда матнни конъектура, глосс ва статистик тадқиқ усуллари ёрдамида таҳлил этиши ҳам кенг қўллаб-қувватланмокда³. Шунга қарамасдан, бу борада ўзбек матншунослигида ҳали айтилмаган гаплар кўп. Буни мумтоз адабиёт намуналарининг ҳозирги ёзувга ўтириш ишларига, табдил масалаларига текстологик тадқиқот сифатида қарамаслик тенденциясида кўриш мумкин. Ҳолбуки, машҳур матншунос Д.Лихачевнинг ибораси билан айтганда «Нашр тури қандай бўлишидан қатъи назар, илмий-оммабопми ёки мутахассисларга мўлжалланганми, ҳар бир нашр илмий бўлиши шарт, яъни нашр илмий текстологик тадқиқка асосланган бўлиши керак»⁴. Айни маънода, энг биринчи навбатда, Навоий асарлари матнини матний тадқиқ этишда конъектура, глосс, статистик каби муайян методлар назарий ишланмаларини яратиш, улардан ўринли ва мақсадли фойдаланиши ўзбек матншунослиги ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилишини таъкидлаш ўринлидир.

Мумтоз матнни ўрганишининг назарий асоси матн тарихини ўрганиш билан белгиланади. Зоро, матн тарихи фақат матннинг аслиятини аниқлаш,

-
- ² Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критических изданий классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока.-В. кн.: Первая Всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Т., 1957. – С. 13; Бертельс Е.Э. К вопросу о филологической основе изучения восточных рукописей// Советское востоковедение. – М., 1955. №3. – С.184; Лихачев Д.С. Некоторые новые принципы в методике текстологических исследований древнерусских литературных памятников. – Известия АССР ОЛЯ, 1955.т. XIV, Вып. 5. – С.35, 477; Лихачев Д.С. По поводу статьи В.А. Черныха о развитии методов передачи текста. Исторический архив. 1956. №3, – С.508; Йўлдошев Б. Матнни ўрганиш лингвистик методлари. – Самарқанд: СамДУ. 2008 – Б. 90; 294. Зубдагу-т-таворих/Оғаий (Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли); нашрга тайёрловчи, сўз боси, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н.Жабборов. – Т.: O'zbekiston, 2009. – Б.240; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 326.
- ³ Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: «Akademnashr», 2015 – Б. 128; Содиков Қ. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-лугатайн. – Т.: «Akademnashr», 2017.
- ⁴ Лихачев Д.С. Текстология. – М.–Л., 1962. –С. 490.

уни тұгри ўқиң, хаттий, палеографик хусусиятларини ўрганиш, құләзмаларни мұқояс қилиш, илмий-танқидий матн яратиш, матнни жорий алифбода нағар этиш каби масалалар билангина чекланиб қолмайды. Бунда матн тарихи бевосита ва билвосита ички ва ташқи маълумотлар асосида ўрганилади. Зотан, «хеч бир ёдгорлик танхоликда мавжуд эмас»⁵, чунончы, унга дахлдор турли тарихий асослар, тамойиллар, ҳамда ёндөш соҳаларнинг манбалари бор. Бинобарин, Навоий асарлари матнини ўрганишда ҳам бевосита ва билвосита матн тарихига доир маълумотлар муҳим омил ҳисобланади.

Айни маънода ўзбек матншунослиги назарий масалаларнинг тугал ечими ёки бу борадаги назарий адабиётлар яратиш ҳали олдиндадир. Аммо, айрим Ғарб матншунос олимлари матнни илмий-назарий йўсинда тадқиқ этишини биринчи ўринга кўйишади. Шу билан биргаликда, улар матн тарихини чукур ўрганмасдан матн табдилини нағар қилиб, уни илмий муома-лага киритиш катта матний нуқсонларга олиб келиши мумкинligини эътироф этишади⁶.

Тан олиш керак, ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигининг тамойиллари ҳамда услубий мезонлари йўсини барча матний тадқиқот ишларига жорий қилинади. Ушбу матншунослик мезонлари ва услубий йўналишлари ҳодисасини Навоий асарлари матнини табдил қилиш жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Алишер Навоий асарларининг матний тадқиқига бағишлиланган тадқиқот ишларida шу пайтгача, шубҳасиз бир умумийлик, якранглик мавжуд эди: – у, асосан, асар құләзмаларини тасниф ва тавсифлаш, аслиятдаги мавжуд ўхшашлик ва фарқтарни аниқлаш, манбанинг илмий-танқидий матнини яратиш, табдил қилиш, нашрға тайёрлаш каби хусусиятлардан иборат эди. Аникроғи, уларда құләзмалараро хаттий хусусиятларни қиёслаб ўрганиш устувор бўлиб, бироқ, адабий манбашунослик ва матншуносликнинг муҳим илмий-назарий методологик характеристерга хос барча таҳлил усууллари ҳам қўлланмас эди.

Бу фикр-мулоҳазалардан сўнг ўз-ўзидан мумтоз асар матнини тўлиқ ва ҳар томонлама мукаммал ўрганиш учун яна қандай матний тадқиқ этиш усуулларига мурожаат қилиш лозим, деган савол туғилади. Аввало, бугунги кунда жаҳон

⁵ Ўша манба. – С.62.

⁶ Қаранг: Лихачев Д.С. Текстология. – М.–Л.: Наука, 1962. – С.219.

матшунослигининг замонавий тамойил ва услубий мезонлари йўсини барча матний муаммолар тадқиқига жорий қилинмоқда. Ҳар қандай матний тадқиқ этиш усули матнни шарҳлашга мушкуллик туғдираётган матний муаммоларни бартараф этишга қаратилмоғи зарур. Бинобарин, Навоий асарларини матнини ҳам матшуносликнинг *глосс*, *конъектура* усуллари ёрдамида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода ушбу бўлимдада Навоий асарларининг ҳар бир матни, асосан, *глосс ва конъектура* тушунчаларининг тарихий принципларига асосланиб, талқин этилди: 1) матний тадқиқ этишининг *глосс* усули. Бу матний тадқиқ этиш усули матшуносликда жуда кенг тушунчаларни ифодалаб, кўпинча, «интерполя-ция» истилоҳи билан алтернатив равиша қўлланилади. Уларни қуидаги ҳолларда бир-биридан фарқлаш мумкин. *Глосс* – бу муайян қўллэзманинг ҳошиясидаги ёки матн ўртасидаги қайдлар. Зеро, *глосс* қўллэзмадаги асосий матн билан қўшилиб кетмай, балки ундан фарқлантириб, котиб томонидан бирор ўринни шарҳлаш учун ёзилган алоҳида қайддир. Интерполяция эса муайян асар матнига киритилган бўлиб, бу матн билан қўшилиб кетган қўшимча ҳисобланади. Матнга интерполяцияни хаттотнинг ўзи ҳам бевосита кўчириш жараёнида киритиши мумкин, бироқ кўпинча интерполяция хаттот кўчириб олган глоссни ифодалайди.

Машхур рус матшунос олими Д.С.Лихачев *глосс ва интерполяция-ларнинг қўлланилиши ҳакида* куйидагича фикр билдирган: «Глосс ва интерполяциялар турли сабабларга кўра киритилади: матнни мукаммал-лигини кучайтириш, (масалан, айниқса, тарихий асарларда шу мавзу бўйича бошқа асарлардан интерполяциялар киритиш) ёки нусха кўчирувинга хаёлий ёки ҳақиқий тушиб қолган жойларни тўлдириш ва тушунарсиз бўлган матнни тушунтириб бериш учун (тушунилиши қийин сўзларни, матндаги нуқсон-ларни, яхши тушуниб бўлмайдиган мулоҳазани, ноаниқ факларни тушунти-риб берувчи глосс)»⁷.

Юқорида қайд этилганидек, глосснинг асосий вазифаларидан бири матндаги тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, ҳатто асар нашри бўйича тузилган кейинги лугатларда ҳам қайд этилмаган сўз ва ибораларнинг матндаги ўрнини аниқлаш ва шарҳлаш ҳамда уларни матнга иловга қилишдан иборатдир.

⁷ Лихачев Д.С. При участии А.А.Алексеева и А.Т. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – СПб.: Аллестейя, 2001. – С.90 – 92.

Куйида Навоийнинг барча асарлари матнидаги ана шундай тушунилиши қийин, изоҳли лугат ва асарнинг кейинги мукаммал нашрига тўлиқ илова қилинмаган глоссалар таҳлилига тўхталиб ўтамиз. Айни шу маънода бу ҳолатни қисман «Мажолис ун-нафоис» (МН) матнидаги ана шундай тушунилиши қийин, ҳатто изоҳли лугат ва асарнинг кейинги мукаммал нашрларига ҳам тўлиқ илова қилинмаган *глосс* – сўз ва иборалар таҳлилига эътиборни қаратамиз.

Шоир туркий сўзлар билан биргаликда арабий, форсий лексик бирликлардан юксак даражада бадиий маҳорат билан фойдаланган ва бу ҳол шоир асарлари тилининг конструкцион тузилишига таъсири қўлмай, балки аста-секинлик билан ҳар бир асарнинг бадиий ифода қатламини бойита борган. Айниқса, шоир асарда арабий сўзларни араб тилининг флексив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклларида қўллаган. Афсуски, бундай сўзлар изоҳи, яъни глоссалар на лугатда, на асарнинг сўнгти мукаммал нашрига илова қилинган. Ваҳоланки, бундай глоссалар шарҳи матннинг таг- маъносини очишда ниҳоятда қўл келади. Ёрқин тасаввур бўлиши учун шундай глоссалардан мисоллар келтиришни жоиз деб биламиз.

«Насойим ул-мухаббат» асарида учровчи **لَا وَقْبَوْا قَمَّاْ يَعْكُلَامُوكْ** феъли ухламоқ ўхшаш варианти билан изоҳланади: [Ҳициом б. Абдон р.т.]. Бир кун **عَيْكُلَابْ**, уйғонгач кўрдиким, қўйи бирор зироатига кирибдур. Ани ул зироат иясига берди ва андин беҳилтиқ тилади [НМ, 169]. Мазкур асардаги **لَا رَكُوبْ** буқрак сўзи буйрак эквиваленти билан изоҳланади: Ҳақ с.т. агарчи зоҳир кўзин ётуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур: лубёга илик суртубдор ва деббурки, қўй **بُكْرَاجِيَّا** ўхшайдур ва нахудни бармоги била силаб, деббурки, итолгу бошига ўхшади [НМ, 426].

Шунингдек, феъл туркумiga хос айрим туркий сўзлар ҳам синонимлар билан изоҳлаш усули орқали шарҳланди: Масалан, «Насойим ул-мухаббат» асарида бир ўринда учраган **لَا وَقْبَوْا قَمَّاْ يَعْلَامُوكْ//يَعْلَامُوكْ** феълининг маъноси **үқаламоқ**, **ишиқаламоқ** феъллари билан изоҳланади:

[Абуладён қ.с.] *Аҳмад деббурки, кеча оёғин увалар* эрдим [НМ, 155]. Бу сўз айрим мумтоз манбалар тилидаги **увламоқ** шаклида ҳам учрайди ⁸.

⁸ Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Т.: Фан, 1953. – Б.350.

2) матнин тадқиқ этишининг конъектура усули. Ягона рўйхат қайсиdir жойда бузилган бўлса ёки бошқа бир маълум жойда очиқдан-очиқ бузилган матнни ёки гарчи аниқ бўлса ҳам, у ёки бу мулоҳазаларга кўра дастлабки муаллиф, муҳаррир матнида бўлиши мумкин бўлмаган матнни бераётган бўлса, тадқиқотчи конъектуралар ишлатишга ҳақли. Конъектура – бу тадқиқотчи томонидан турли мулоҳазалар асосида тақдим этилаётган тузатишлар (аникроқ айтганда – дастлабки матнни қисман тиклаш). Катта тажриба ва мантикий фикр асосида, ҳатто аслиятта қиёсламасдан туриб ҳам асар нациридаги хато ва нуқсонларни аниқлай олиш ва уни муаллиф яратган матнга яқинлаштира олиш конъектура усули дейилади⁹. Тақдикотчи томонидан муайян асар матни бўйича асосли фикр-мулоҳазалар асосида тақдим қилинаётган илмий тузатишлар ҳам конъектура харакатларига кира-ди. Матншунос олим Н.В.Перетц конъектуралар ҳақида шундай ёзади: «Шундай ҳолатлар бўладики, мавжуд қўлёзмалардан биттаси ҳам аниқ, етарлича қаноатланарли ўқишини бермайди ёки қандайдир ёдгорликнинг биттаю-битта бузилган, ноаниқ жойлари бор қўлёзмаси бўлади. Бундай ҳолатларда танқидчи муаллиф ўрнида бўлиб, конъектуралар, яъни турли мулоҳаза ва тахминлар ёрдамида бузилган матнни тиклашга уриниб кўришга мажбур бўлади. Конъектуралар учун умумий аниқ конун ва қоидалар йўқ: кимки бошқалардан кўра кўпроқ ушбу асарнинг муаллифига яқин фикр юрита олса, унинг руҳини ва услубини чукур ҳис қила олса, бошқалардан кўпроқ уни тушуна олса – ўшагина уни муваффақиятлироқ тўғрилай олиши мумкин. Албатта, таклиф этилаётган конъектуралар, иложи борича, матнга энг соз маъно бериши керак ва бу асарнинг бошқа қисмларига, муаллифнинг одатларига зид бўлмаслиги керак»¹⁰.

В.Н.Перетцнинг «муаллифга ўхшай олиш» лозимлиги, «унинг руҳини ва услубини чукур ҳис қила олиш» ҳақидаги ҳамма ёзганлари жуда муҳимдир. Матн ортида муаллифни, унинг дунёқарашини, руҳини, ҳаттоки, одатларини кўриш – матншуноснинг биринчي вазифаси. Бунга фақат шуни қўшиб қўйиш жоизки, фақатгина муаллиф билан чекланмаслик керак – дастлабки матнни яратганингина эмас, уни ўзгартиргани – кўчириб ёзувчини ва қайта ишлагани

⁹ Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. – Т: «Akademnashr», 2015 – Б. 12.

¹⁰ Лихачев Д.С. При участии А.А.Алексеева и А.Т.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – СПб.: Алетейя, 2001. – С.592.

ҳам тасаввур қилиш керак. Ўзгартирилган матнни дастлабки ҳолатига келтиришгина эмас, қандай, қачон ва нима учун матнни ўзгартириши содир бўлганини тушунтира билиш керак. Бизни қизиқтираётган жойни тиклаш ва киритилган ўзгартиришни тушунтириш билан бирга тузатиш киритиш лозим – факат ўшандагина конъектура пухта қилинган, деб ҳисобланади. Агар матннинг ўзгартирилиши онгли равишда қилинган бўлса, бу ўзгартиришининг мақсадини, сабабларини, бу ўзгартиришни келтириб чиқарган вазиятни тушунтириб бериш керак. Агарда матннинг ўзгартирилиши онгсиз равишда қилинган бўлса, бизнинг наздимизда хато бўлса – хато қандай пайдо бўлганини, у ҳолда хатонинг қандай тури содир этилганини палеографик равишда тушунтириб бериш жоиз¹¹.

Конъектуралар икки нуқтаи назардан муҳимдир: матнни нашр этиш учун ва матн тарихини тиклаш учун. Конъектуранинг шубҳасиз тўғрилик даражаси турлидир. Шунга қарамай, матн тарихи учун асослилик даражаси унча катта бўлмаган конъектуралар ҳам аҳамиятлидир. Матнпенослик бўйича машҳур асар ёзган етук матншунос олим П.Маас матн вариантиларида ҳамма мумкин бўлган конъектураларни қолдириш керак деб ҳисоблайди, чунки янги қўлёзмалар топилиши натижасида улар қаёндир тўғри бўлиб чиқиши мумкин. Вариантларда ҳар эҳтимолга қарши қолдирилган бундай конъектураларни П.Маас «диагностик конъектуралар» (Diagnosische Koniekturen) деб номлайди¹².

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, баъзи бир тадқиқотчиларнинг конъектураларга қарши умумий сохта фикрлари ҳеч қандай асосга эга эмас, чунки аксарият қўлёзмалар матнлари шундай конъектураларга тўла, лекин бу конъектуралар олимлар томонидан эмас, бурунги, шубҳасиз, нодон бўлган нусха кўчирувчилар томонидан яратилган. Ҳақиқатан, юқорида биз айтган хатолар ва «фаҳмташлар», – бу, аслини олганда, конъектуралардир. Шунинг учун бу тарз, кўпинча, тадқиқотчиларнинг – нусха кўчирувчилар томонидан яратилган конъектуралар маъносини очиб беришда намоён бўлади. Нусха кўчирувчилар томонидан яратилган конъектураларни қолдириб, тадқиқотчиларнинг конъектураларини киритмаслик – бемаънилиқдир. Ҳамма гап шун-даки,

¹¹ Лихачев Д.С. При участии А.А.Алексеева и А.Т.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – СПб.: Алетейя, 2001. – С.592.

¹² Paul Maas. Textkritik Leipzig. 1957. – S.33.

у ёки бу конъектурани таклиф эта туриб, тадқиқотчи уни, шубҳасиз, тўғрилик даражасини холисона баҳолаши мажбур ва нашрда конъектурани асл нусха ёки нусхаларнинг матни деб кўрсатмай, тўшпа-тўгри уни изоҳлаб бериши керак (масалан, матнда конъектура курсив билан белгиланиб, ҳаволада эса асар нусхаси кўрсатилиди)¹³.

Албатта, конъектура, муаллиф руҳини англаш сингари матншунослик масалалари, аслида, Д.С.Лихачев сингари олимлардан анча бурун бошланниб, ва бу борада етарлича илмий-назарий қарашлар шаклланган эди¹⁴.

Хозирги пайтда *конъектура*, асосан, матн нациридан кейин рўй беради. Матншунослар табдиллардаги хато ва камчиликларни матний маънодан келиб чиқиб аниқлашади. Демак, аслиятнинг хаттий ва маъновий хусусиятларини тўлиқ анлаган, тасаввур қилган ҳолда мантиққа асосланиб, унинг напрларидағи ноқисликларни тўғри тузата олиш конъектура ҳаракатларига киради. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» қўлёзмасидаги бир жумла напрда «..мажолисда назм тарийқида ҳамроҳ эрдилар ва наср услубида нуктапардоз» (113) тарзида нотўгри ифодаланибида.

Ушбу жумладаги **نوكтапардоз** сўзининг ўрнида *нуктапардоз* бўлгандигини қўлёzmага қарамай туриб, конъектура усули билан, яъни мантиққа асосланиб ҳам аниқласа бўлади. Зоро, *нуктапардоз* – «чукур маъноли сўзлар айтувчи», – деган маънони беради. Бу шубҳасиз матний маънони англатади. Асар матн табдилидаги бундай ҳолатларни ҳам конъектура ҳаракатлари ёрдамида тузатиш мумкин.

Хулоса килиб айтганда, жаҳон матншунослигига матнни замонавий усувлар воситасида тадқиқ этиш ўз эътирофини топган бўлса-да, ўзбек матншунослигига улардан самарали фойдаланилганича йўқ. Хусусан, матн табдилини глосс ва конъектура усувлари воситасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бу усувлар Алишер Навоий асарларидан бошқа мумтоз асарлар учун ҳам жорий қилиниши мухим илмий аҳамиятга эгадир. Бу билан мумтоз асарлар тараққиётининг ўзига хос йўлини аниқлашга ҳаракат қилинади.

¹³ Ўша асар. – Б.592.

¹⁴ Бласс Фр. Герменевтика и критика. – Одесса : Университет, 1891. – С.71–183.